

**«Институционал иқтисодиёт» фанининг  
2018/2019 ўқув йили учун мўлжалланган  
СИЛЛАБУСИ**

Фанинг қисқача тавсифи			
<b>ОТМНИНГ НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ:</b>	Гулистан давлат университети		Гулистан шаҳри, 1У микрорайон
<b>Кафедра:</b>	Иқтисодиёт		“Ижтимоий-иқтисодий” факультети
<b>Таълим соҳаси ва йўналиши:</b>	5230100– “Иқтисодиёт” таълим соҳаси	Иқтисодиёт	
<b>Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:</b>	Катта ўқитувчи Махмудов Шерали Хусанович	e-mail:	magicman_sher@mail.ru
<b>Дарс вақти ва жойи:</b>	Бош бино 507- аудитория	<b>Курснинг давомийлиги:</b>	04.09.2018-25.01.2019
<b>Индивидуал график асосида ишлаш вақти:</b>	Сешанба ва пайшанба кунлари 14.00 дан 17.00 гача		
<b>Фанга ажратилган Соатлар</b>	<b>Аудитория соатлари</b>  Маъруза: 36 Семинар 36		<b>Мустақил таълим:</b> 52
<b>Фанинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги :</b>	Иқтисодиёт назарияси, микроиқтисодиёт, лойиҳа таҳлили, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, менежмент, институционал иқтисодиёт, солиқ ва солиққа тортиш фанлари		

**«Институционал иқтисодиёт» КУРСИННИГ МАЗМУНИ**

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни ўрагниш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

*Институционал иқтисодиёт* – бу иқтисодий назария ва хўжалик амалиётини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигига ўрганувчи замонавий иқтисодий фикрларнинг илмий йўналишларидан биридир. Ушбу йўналиш Farb мамлакатлари иқтисодиёти ривожланиши, талаб ва таклиф қонунларининг ишлаши, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳулқ-атвори, бозор ва маъмурий механизмларнинг фаолият кўрсатиши, иқтисодий ўсиш ва шу каби бошқа бир қатор жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишда кенг тадбиқ этиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси жамиятда мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларини такомиллашувига, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатади.

Шу боис институционал муҳитни фаоллаштириш, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётни билиш ва уни ривожлантириш қонуниятларини белгилашнинг самарали воситаси зарур. Ана шундай восита бўлиб институционал иқтисодиёт назарияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 май қарорида олий ўқув юртлари “Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, бакалавриат ва

магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун ... етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин”<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидланган.

Бу ўз новбатида ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш юзасидан белгилаб берган мамлакатни модернизация қилиш, кичик тадбиркорликни фаол ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини юксалтириш йўналишларини изчил амалда ижросини таъминлаш масалаларини ҳал этишда “Институционал иқтисодиёт” фанининг назарий ва амалий воситалари алоҳида ўрин тутади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 27 май, №103 (6538). Б.1

**Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича  
тақсимоти**

№	Мавзу	Аудитория соатлари				Муста қил иш	Изоҳ		
		Жам и	Шу жумладан:						
			Маъруза	Амалий семенар	Таж риба				
3-семестр									
1	“Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари	8	2	2	-	4			
2	Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли	8	2	2	-	4			
3	Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш	8	2	2	-	4			
4	Режа ва бозор институтлари	12	4	4	-	4			
5	Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар	8	2	2	-	4			
6	Хуфёна иқтисодиёт	12	4	4	-	4			
7	Мулк хуқуклари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси	12	4	4	-	4			
8	Шартномалар назарияси	8	2	2	-	4			
9	Фирма назарияси	6	2	2	-	2			
10	Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси	8	2	2	-	4			
11	Фирманинг ташкилий-хуқукий шаклини таҳлил қилиш	8	2	2		4			
12	Давлат институционал ташкилот сифатида	6	2	2		2			
13	Давлатлар хиллари	8	2	2		4			
14	Уй хўжалиги ва унинг хиллари	12	4	4		4			
		<b>124</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>0</b>	<b>52</b>			

**АСОСИЙ ҚИСМ**  
**1. МАЪРУЗА МАШғУЛОТЛАРИ**

**“Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари**

Фанинг мақсади ва вазифаси. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нукта масаласи Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари [A1, 3-10, A62, 3-15, K7, 5-21]

## **Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли**

“Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши. Институционал матрица. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.

[A3, 16-23, A1, 12-16, K5, 23-28]

### **Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш**

Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи

[A1, 17-26, A5, 18-32, K7, 23-29]

### **Режа ва бозор институтлари**

Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари. Бозор конституцияси нормалари. Мулкчилик хукуқларини иқтисодий асослаш.

[A1, 27-34, A5, 33-37, K7, 25-32]

### **Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар**

Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси

[A2, 5-38, A1, 35-43, K5, 29-35]

### **Хуфёна иқтисодиёт**

Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт/ [A1, 44-48, K 5, 35-43, T37, 46-55]

### **Мулк ҳукуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси**

Мулк ҳукуқлари назариясининг асосий қоидалари. Мулкчилик таърифларининг таҳлили. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари. Мулкий ҳукуқлар. Мулкий ҳукуқлар тақсимотининг таҳлили.

[A2, 49-58, A1, 49-57, T5, 29-35]

### **Шартномалар назарияси**

Шартнома тушунчаси. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома. Шартномаларнинг хиллари. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара. Қишлоқ хўжалигига шартнома муносабатлари.

[A1, 58-68, ЎК 45, 35-43, ЎК45, 43-52]

### **Фирма назарияси**

«Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш варианлари. Фирманинг ички тузилмаси. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси. Фирмаларнинг асосий хиллари.

[A1, 58-68, ЎК 45, 35-43, T37, 143-165]

### **Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назариялари**

Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш.

[A1, 58-68, ЎК 45, 35-43, T37, 143-165]

### **Фирманинг ташкилий-ҳукуқий шаклини таҳлил қилиш (2 соат)**

Мулкий ҳукуқларнинг тавсифланиши. Ташкилий-ҳукуқий шаклни танлаш мезонлари.

Ташкилий-ҳукуқий шакл фирманинг стратегияси хакидаги ахборот манбаси сифатида.

[A1, 58-68, ЎК 45, 35-43, T37, 143-165]

### **Давлат институционал ташкилот сифатида**

Давлатнинг функциялари. Давлатнинг институционал табиати. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси. Давлатнинг «муваффакиятсизликлари».

[A1, 68-77, ЎК63,63-84, ЎК62, 167-182]

### **Давлатлар хиллари**

Давлат ва «принципал-агент» муаммоси. «Шартномавий» давлат тушунчаси. «Эксплуататорлик» давлати тушунчаси. Давлат хусусиятини баҳолаш усуслари ва мезонлари. Коррупция муаммоси.

[A1, 78-95, ЎК63, 85-97, T38, 167-182]

### **Үй хўжалиги ва унинг хиллари**

Үй хўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида. Үй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли. Үй хўжалигининг хиллари

[A3, 5-15, A4,5-33, ЎК62, 93-99]

## **Амалий машғулотларнинг тахминий режаси:**

1. “Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари
2. Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли
3. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш

4. Режа ва бозор институтлари
5. Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар
6. Хуфёна иқтисодиёт
7. Мулк хукуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси
8. Шартномалар назарияси
9. Фирма назарияси
10. Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси
11. Фирманинг ташкилий-хукуқий шаклини таҳлил қилиш
12. Давлат институционал ташкилот сифатида
13. Давлатлар хиллари
14. Уй хўжалиги ва унинг хиллари

## **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

“Институционал иқтисодиёт” фанидан талаба мустақил ишининг мақсади, ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўнікмаларни шакиллантириш ва ривожлантиришдир. Мустақил иш айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, кейс-стадиялар тайёрлашда иштирок этиш, илмий маколалар ёзиш, анжуманларга тезислар тайёрлаш, берилгае мавзулар бўйича компьютер дастурларида тақдимотлар тайёрлаш шаклида ташкил этилади.

“Институционал иқтисодиёт” фанидан талаба мустақил ишини ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида олиб борилади ва талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўнікмаларни шакиллантиради ва ривожлантиради. Мустақил ишни айрим назарий мавзулари ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, кейс-стадиялар тайёрлашда иштирок этиш, илмий маколалар ёзиш, анжуманларга тезислар тайёрлаш, берилган мавзулар бўйича компьютер дастурларида тақдимотлар тайёрлаш шаклида ташкил этилади.

## **Мустақил иш мавзулари**

1. “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида иқтисодий-ижтимоий масалалар таҳлили ва уларнинг ижроси.
2. Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2018 йил учун мамлакатимизда хал этилиши лозим бўлган устувор йўналишлар.
3. Институционал назариялар пайдо бўлиши ва ривожланиши.
4. Институционализмнинг асосий хусусиятлари.
5. Институционализм назариясининг ривожланиш даврлари.
6. Институционализмнинг учта асосий йўналишларининг шаклланиши.
7. Институт тушунчаси ва уларнинг асосий тавсифи.
8. Институтлар ва қоидалар.
9. Институтлар типологияси.
10. Трансакция харажатлари.
11. Трансакция харажатларининг иқтисодий таърифи.
12. Трансакция харажатларини таснифлаш.
13. Трансакция харажатлари ва институтлар.
14. Мулкчилик хукуқларининг иқтисодий назарияси.
15. Мулкчилик хукуқларини иқтисодий асослаш.
16. Мулкчилик хукуқларини тағсирлашга нисбатан ёндашувлар.
17. Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг моҳияти ва унинг асосий устувор йўналишларининг мазмуни.
18. Мулкчилик хукуқлар тўплами сифатида.

## **Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиши жараённада таълимнинг замонавий илгор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (тақдимот), мультимедиа ва электро-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машгулотларда ақлий хужум, блиц-сўров, гурӯҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс-стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати Асосий адабиётлар**

1. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Укув кулланма. — Т.: YANGINASHR, 2011. - 248 б.

- Беркинов Б.Б. ва бош. Трансакциялар ва тарнсакция харажатлари назарияси асослари: Рисола. -Т.: “Иктисадиёт”, 2013. - 80 б.
- Беркинов Б.Б., Умаров И.Ю., Суннатов М.Н. Институционал иктисадиёт: Укув кулланма. - Т.: “Фан ва технология”, 2014. - 250 б.
- Беркинов Б.Б. Уй хужалиги иктисадиёти: Укув кулланма. - Т.: “Фан ва технология”, 2014.-131 б.
- Беркинов Б.б., Ахмедов У.К.- Уй хужаликлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истикболлари: Монография. -Т.: “Фан ва технология”, 2014. -142 б.

### Қўшимча адабиётлар

- Агабекян Р.А., Баядурян Г.А. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебн. пособие. - М.: Магистр, 2008. - 462 с.
- Аузана А.А. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: учебник. - М.: ИНФРА. - 2006. - 416с
- Елисеев А.Н., Шульга И.Е. Институциональный анализ интеллектуальной собственности: Учеб. пособие. — М.: ИНФРА — М, 2005. — 192 с.
- Олейник А. Институциональная экономика: Учебник. — М.: ИНФРА - М, 2007. - 704 с.
- Сухарев О.С. Институциональная экономика: теория и практика. Ин-т экономики РАН. - М.: Наука, 2008. - 863 с.

### Интернет сайтлари

- www.nalog.ru
- www.cbu.uz
- www.stat.uz
- www.bank.uz
- www.lex.uz

### Рейтинг баҳолаш тизими

#### 4.1.1. Рейтинг назорати жадвали (кузги)

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН (40 б) шу жумладан	13	13	14	<b>40</b>	
ОН (30 б.)	15	15		<b>30</b>	
ЯН (30 б.)	-	-	30	<b>30</b>	
<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>60</b>	<b>100</b>	<b>55</b>

#### КУЗГИ СЕМЕСТР

№			Сентябр		Октябр		Ноябр		Декабр		Январ										
			1 04 – 09	2 11 – 16	3 18 – 23	4 25– 30	5 02 – 07	6 09 – 14	7 16 – 21	8 23 – 28	9 30 – 04	10 06 – 11	11 13 – 18	12 20 – 25	13 27 – 02	14 04 – 09	15 11 – 16	16 18 – 23	17 25 – 29	18 08 – 13	19 15 – 20
1	ЖН 40 %	Муста кил таъли м						6					5						6		17
		Амали ёт						7					8					8			23
2	ОН 30 %	Ёзма иш								7							6			13	
		Муста кил таъли м									8						9			17	
3	ЯН – 30%																		30	30	
	Жами		13			27			30			30			30			30	100		
	Жами ГП бўйича					40			70			70			100			100	100		

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш	107-124	88-106	68-87	<68

**ЭСЛАТМА:** 7-семестрда ўқитиладиган “Институционал иқтисодиёт” фанининг ўкув хажми 124 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффициенти 1,24 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 1,24 га кўпайтирилди ва бутунгача яхлитлаб олинади.

### **ОННИ баҳолаш**

Оралиқ назорат “Институционал иқтисодиёт” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. 2-та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб мос равишда 7 ва 6 балдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усулида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест саволлари ишчи ўкув дастур асосида тайёрланади. ОНга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирулган хисобланади. ОН ни ўзлаштирулган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича олинадиган тестлар кафедра мудири раҳбарлигига ташкил этилади ва кафедрада ўкув йилининг охиригача сақланади.

### **ЯННИ баҳолаш**

Яқуний баҳолаш “Институционал иқтисодиёт” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма ёки тест усулида амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсатгичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯБ назорат ишлари тест усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест саволлари ишчи ўкув дастури асосида тайёрланади. ЯБни ўзлаштирулган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯБ бўйича олинадиган ёзма иш ёки тест саволлари вариантлари кафедра мудири раҳбарлигига тузилади ва деканатга топширилади.